



ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzarb muammolari

1 (4) 2024

2024

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

№ 1(4) - 2024

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2024

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор.

Мавланов уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

Турсунов Равшан Нормуратович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети Тарих факултети доценти

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Раја Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўқтамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Ҳатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Ҳамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б., Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яҳшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Хошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирхолжаева Гулнора Абдукаххаровна – т

Турдиев Ҷекруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шуҳрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салаҳутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Ҳуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфзизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Файбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судъялар олий кенгаши хузуридаги Судъялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич - юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик университети;

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Жавлиева Шахноза Баходировна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети;

Бобомуротова Латофат Элмуродовна - педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети.

Закирова Феруза Махмудовна - педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети хузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази; Тайланова Шохида Зайневна – педагогика фанлари доктори, доцент.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Хайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарқанд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насридин Атакуллович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

Электрон журнал **1368-сонли гувоҳнома** билан давлат рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEM S TEAM” маъсулияти чекланган жамияти.

МУНДАРИЖА

07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

<i>Mustafoyev Abubakr Muhiddin o'g'li</i>	
XIII VA XIV-ASRDA YASHAB IJOD ETGAN BUXORO FAQIHLARI VA ULARNING ASARLARI	
TAVSIFI (1-qism).....	9-14
<i>Mirzayev Avazbek</i>	
ANDIJON TAJRIBA PAXTA DALASI TARIXINING ARXIV HUJJATLARIDA YORITILISHI	15-21
<i>Алиджанова Лазизахон Аббасовна</i>	
ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАРДА ДИН ВА ТАБОБАТ МАСАЛАСИНИ ЎРГАНИШДАГИ	
ЁНДАШУВЛАР	22-28
<i>Sobirov Sardorbek Abdusattor o'g'li</i>	
XIX-ASRNING IKKINCHI YARMIDA SHARQIY TURKISTONDA ROSSIYA VA BRITANIYA	
IMPERIYALARI RAQOBATI	29-34
<i>Джалолов Бахром Джамалович</i>	
СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА “ПАХТАЯККАҲОКИМЛИГИ” СИЁСАТИ ВА	
БОЛАЛАРГА КЎРСАТГАН ТАЪСИРИ	35-39
<i>Maxmatkulova Nozikoy Choriyevna</i>	
O'ZBEKISTONDA XX ASRNING IKKINCHI YARMIDA IRRIGATSIYA-MELIORATSIYA VA	
QISHLOQ XO'JALIGINI MEXANIZATSIALASH SOHASIDA YURITILGAN KADRLAR	
SIYOSATI	40-45
<i>Ochilov Farhod</i>	
O'ZBEKISTONDA O'ZINI O'ZI BOSHQARISH ORGANLARINING AHOLINI IJTIMOIY HIMoya	
QILISHDAGI FAOLIYATI	46-52
<i>Ҳамроева Нодира Нормуродовна</i>	
ЎЗБЕКИСТОНДА ЕР-СУВ ИСЛОҲОТИ ЖАРАЁНИДА ИЖТИМОЙ МУОММОЛАР	53-58
<i>Мамажонов Алишер, Алишеров Абдувоҳид Алишерович</i>	
ЎЗБЕКИСТОНДА ГИДРОЭЛЕКТР СТАНЦИЯЛАРНИНГ БАРПО ЭТИЛИШИ ТАРИХИ	59-65
<i>Tursunov Ravshan Normuratovich</i>	
XIX-ASRNING IKKINCHI YARMI – XX-ASR BOSHIDA TURKISTON O'LKASIDA SODIR BOLGAN	
ZILZILALAR TARIXIGA BIR NAZAR	66-71

08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

<i>Умурзакова Мўътабархон Нодир қизи</i>	
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИНИ ТИББИЙ СУҒУРТА АСОСИДА МОЛИЯЛАШТИРИШ	
МОДЕЛИ	72-78
<i>Ro'zmetov Baxodir Shomurotovich</i>	
TURIZMDA XIZMATLAR MOHIYATI VA UNING IJTIMOIY-IQTISODIY RIVOJLANISHNI	
TA'MINLASHDAGI O'RNI	79-90
<i>Shanazarova Nilufar Baratovna</i>	
MILLIY IQTISODIYOTDA TRANSPORTNING AHAMIYATI	91-99
<i>Рахимов Ойбек Бахтиёрович</i>	
АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ СУҒУРТА ҚИЛИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ	
МОХИЯТИ	100-109

<i>Болтаев Нурали Шираматович</i>	
АГРАР ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА КАДРЛАР САЛОҲИЯТИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ	
АСОСИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ ЙЎНАЛИШЛАРИ	110-118
<i>Эрханов Муҳаммаджон Абсайитович</i>	
ДАВЛАННИНГ ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ ВА ИНДЕКСЛАРДАГИ ЎРНИНИ ЯХШИЛАШДА	
ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИНГ ЎРНИ	119-124
<i>Жураева Гульзира</i>	
АНАЛИЗ ЭФФЕКТИВНОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ЦИФРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В	
МЕЖДУНАРОДНОЙ ТОРГОВЛЕ И УСЛУГАХ В ЭКОНОМИЧЕСКОМ РАЗВИТИИ	125-130
<i>Akbarov Husan O'zbekxonovich</i>	
BOG'DORCHILIKDA TEXNIK SAMARADORLIKNI TAHLIL ETISHNING PARAMETRIK VA	
NOPARAMETRIK USULLARI	131-136
<i>Yaqubova Yulduz Raimovna</i>	
KICHIK BIZNES SUBYEKTALARINING ISHLAB CHIQARISHINI SAMARALI AMALGA OSHIRISH	
KO'RSATKICHLARI	137-147
<i>Рахимбаев Акмал Азатбоевич</i>	
ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДЛАРИНИ САНОАТГА ИХТИСОСЛАШУВ ДАРАЖАСИНИ ТАРМОҚЛАР	
БЎЙИЧА АНИҚЛАШ	148-157
<i>Saidmurodov Feruz Sodiqjon o'g'li</i>	
SAMARALI SOLIQ SIYOSATI-INNOVATSION RIVOJLANISHGA O'TISHNING ASOSIY	
SHARTI	158-170

09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ

<i>Наврӯзова Гулчехра Нигматовна</i>	
БАҲОУДДИН НАҚШБАНД РУБОЙЛАРИНИ ШАРҲЛАГАН Аллома	171-175
<i>Шарифходжаева Наргиза Абдуманнановна</i>	
ФИЛОСОФИЯ СВОБОДЫ, РАВЕНСТВА И СОЦИАЛЬНОЙ СПРАВЕДЛИВОСТИ МУХАММАДА	
АЛИ ДЖИННЫ	176-181
<i>Nasimov Azizbek Azimovich</i>	
AXBOROTLASHGAN JAMIyat RIVOJLANISHIDA AXLOQIY QADRIYATLARNING FALSAFIY	
МОНИЯТИ	182-186
<i>Norkulov Olim Nasimovich</i>	
GLOBALLASHUV JARAYONIDA MIGRATSİYANING AHOLI AXLOQIY QADRIYATLARIGA	
TA'SIRI	187-191
<i>Хасанов Бобуржон Ҳакимович</i>	
ОММАВИЙ НОРОЗИЛИКЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ	
ИСТИҚБОЛЛАРИ	192-197
<i>Quramboyev Alisher Maxsudovich</i>	
YANGI O'ZBEKİSTON VA İJTİMOİY DAVLATÇILIK	198-204
<i>Raxmonberdiyev Islombek Ilxom o'gli</i>	
SİVİLİZATSIYALAR TARAQQIYOTIDA MADANIYATLAR TO'QNASHUVINING İJTİMOİY-	
FALSAFIY AHAMIYATI (Samuel F. Xantingtonning "Sivilizatsiyalar to'qnashuv" asari	
asosida)	205-214

Shukurov Orif Jumaboyevich

JAMIyatda yoshlarning ijtimoiy aktivligini oshirish

xususiyatlari va tamoyillari 215-219

10.00.00 - ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ*Akhmedov Oybek Saporbayevich*

Theoretical overview of the definition "term" and "terminology" in

linguistic surveys 220-227

Ravshanova Gulruxbegim Қаҳрамон қизи

ЯНГИ ЎЗБЕК ШЕ'РИЯТИДА ҲАЖВНАВИСЛИК АНЪАНАСИ 228-232

Ortiqova Mavluda Nurmahammadovna

AQOID ILMIDA KAROMAT TUSHUNCHASI VA BADIY ADABIYOTDAGI TALQINI 233-237

Uliqova Mavludaxon

“QON-QARINDOSH” KONSEPTINI FONETIK-FONOLOGIK SATHDA NAMOYON

BO'LISHI 238-243

Rahmonov Asror ibni Nusrat

HERMANN HESSE HAYOTI, IJODI VA ADABIYOTDAGI O'RNI 244-252

Raxmatova Dilafruz Nusratilloyevna

SAMARQAND JADIDCHILIK MAKTABI VAKILLARI ASARLARINING TIL XUSUSIYATI 253-258

Djuraeva Muxlisa Shadiyarovna

INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDA OILAVIY NUTQDAGI IJTIMOIY-MADANIY FARQLAR 259-265

Vokhidova Tamanno Saidjonovna

MEDIALINGUISTICS AS A MODERN SCIENTIFIC DIRECTION 266-271

Djurayeva Shahlo G'ulom qizi, Sattarova Ismigul Baxtiyorovna

INGLIZ ADABIYOTLARIDA KIRITMA BIRLIKLARNING BADIY SEMANTIKASI 272-277

12.00.00 - ЮРИДИК ФАНЛАР*Uzakova Go'zal Sharipovna*

O'ZBEKİSTON RESPUBLİKASIDA “YASHIL QURİLISH”NI AMALGA OSHIRISHNING HUQUQIY

MASALALARI 278-286

Mirzaev Shukhrat Shavkatovich

СУЩНОСТЬ И СОДЕРЖАНИЕ КАТЕГОРИИ ПРАВОПОНИМАНИЯ 287-293

Qosimov Botirjon Ma'rufjon o'g'li

SUD HOKIMIYATINING MOLIYAVIY MUSTAQILLIGI: KONSTITUTSIYAVIY TAHLIL 294-301

Islombek Abdikhakimov

QUANTUM COMPUTING AND LEGAL READINESS FOR E-GOVERNMENT SERVICES 302-309

Xodjaeva Shirokhon Olimxon kizi

ПЕРСПЕКТИВЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА В СУДЕБНОЙ

СИСТЕМЕ 310-315

Jiyenbayev Baxadir Ospanovich

EKOLOGIK AUDITNI HUQUQIY TA'MINLASHNING AYRIM XUSUSIYATLARI: MILLIY VA

XORIJY TAJRIBA 316-322

Alishaev Sobir Tursunboevich

СУД ҲУКМИНИ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА РАҶАМЛАШТИРИШ

ИМКОНИЯТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ 323-329

<i>Адембаев Аралбай Куралбаевич</i>	
АЙРИМ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ЖИНОЯТ ҚОНУНЛАРИДА ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ҲАРАКАТИ ЁКИ УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ХАВФСИЗЛИГИ ҚОИДАЛАРИНИ БУЗИШ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАЛАРИ	330-339

13.00.00 - ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

<i>Матенов Рашид Бекимбетович, Анатолий Викторович Тряпельников</i>	
ЮРИДИЧЕСКИЙ ТЕКСТ КАК ОБЪЕКТ ОБУЧЕНИЯ РУССКОМУ ЯЗЫКУ СТУДЕНТОВ- ЮРИСТОВ: ИННОВАЦИОННЫЕ ПОДХОДЫ И МЕЖОТРАСЛЕВЫЕ ПЕРСПЕКТИВЫ	340-346
<i>Xajiyeva Iroda Adambayevna</i>	
TALABALARGA ZAMONAVIY O'ZBEK SHE'RIYATI VA FOLKLOR MUNOSABATINI TUSHUNTIRISHDA PEDAGOGIK TEHNOLOGIYALARNING O'RNI	347-351
<i>Ayatov Raximberdi Ibragimovich</i>	
XORIJUY TILDA TURIZM VA MEHMONXONA BIZNESI SOHASIGA OID SO'Z VA IBORALARNI O'QITISHDA TIL KO'NIKMALARINI RIVOJLANTIRISH	352-357
<i>Saidova Dilobar Ikrambayevna</i>	
MEHRIBONLIK UYLARI TARBIYALANUVCHILARIDA IJTIMOIY XULQ-ATVORNI RIVOJLANTIRISH ZARURATI	358-361
<i>Eshqobilov Elmurod Menglimurod o'g'li</i>	
KOMPETENSIYAVIY YONDASHUV ASOSIDA BO'LAJAK JISMONIY TARBIYA O'QITUVCHISINING KASBIY-PEDAGOGIK IJODKORLIKNI RIVOJLANTIRISH METODIKASI	362-367
<i>Ҳамдамова Шахноза Юсупалиевна</i>	
ТИББИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ФАНЛАРАРО ИНТЕГРАЦИОН ЁНДАДАШУВ АСОСИДА ТАЛАБАЛАРНИ КАСБИЙ ЛАЁҚАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ	368-375
<i>Janonova Sitora Berdinazarovna</i>	
TA'LIM VA TARBIYA TARAQQIYOTIDA KOMMUNIKATIV KOMPETENSIYA TUSHUNCHASINING O'RNI	376-381
<i>Турсунбоева Мухлиса Анвар қизи</i>	
ТАБИИЙ ФАНЛАР ФАКУЛЬТЕТЛАРИДА ИНГЛИЗ ТИЛИНИ КАСБГА ЙЎНАЛТИРИЛГАНЛИК АСОСИДА ЎҚИТИШ ПЕДАГОГИК МУАММО СИФАТИДА	382-387
<i>Bakhadirova Shoxina Nadir kizi</i>	
INGLIZ TILIDA GAPIRISH KO'NIKMASINI RIVOJLANTIRISHGA YO'NALTIRILGAN MASHQ VA TOPSHIRIQLARNI ONLINE KO'RINISHDA O'QITISH	388-392
<i>Qurbanova O'lmasoy Usmonovna, Niyozova Shohista Nusratilloyevna</i>	
OILA BARQARORLIGINI SHAKLLANTIRISHNING PEDAGOGIK OMILLARI	393-397
<i>Xudayberdiyeva Mahliyo Zayniddin qizi</i>	
BO'LAJAK O'QITUVCHILARDA KOMMUNIKATIV YONDASHUV ASOSIDA KASBIY SIFATLARINI RIVOJLANTIRISHNING PEDAGOGIK SHART-SHAROITLARI VA INNOVATSION METODLARI	398-403

Мамажонов Алишер
тариҳ фанлари номзоди, доцент
Андиҷон "Жаҳон тарихи" кафедраси доценти

Алишеров Абдувоҳид Алишерович
Андиҷон давлат универсиتهти ўқитувчиси

ЎЗБЕКИСТОНДА ГИДРОЭЛЕКТР СТАНЦИЯЛАРНИНГ БАРПО ЭТИЛИШИ ТАРИХИ

Аннотация. Мақолада гидроэлектр станция қурилиши таъминотини ўрганишда илмий-назарий ёндашувлар асосида Андиҷон меҳнаткашларининг "оммавий халқ қурилиши" деб ном олган "Фарҳод ГЭС"и қурилиши таъминотига ишчи кучлари ва зарур материаллар билан таъминлашдаги иштироклари тӯғрисидаги айрим истеъмолга кирмаган маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси архиви Андиҷон вилоят бўлими, Андиҷон давлат архиви йифмажилларидағи манбалар асосида баён қилинган.

Калит сўзлар: Гидроэлектр станция, гидравлик турбина, деривация, тўғон, таъминот, ҳашар, ватанпаварлик.

Mamajonov Alisher
candidate of historical sciences, Associate Professor
Associate Professor of the Department of
"The World History" AndSU

Alisherov Abduvohid Alisherovich
Teacher of Andizhan State University

THE HISTORY OF CONSTRUCTION OF HYDROELECTRIC STATIONS IN UZBEKISTAN

Abstract. In the article, on the basis of scientific-theoretical approaches to the study of the construction of the hydroelectric power station, some of the participation of Andijan workers in the provision of labor and necessary materials for the construction of the "Farhod HPP", which is called "mass people's construction" non-consumable information is presented on the basis of sources in the collections of the Andijan Regional Department of the Presidential Administration Archive of the Republic of Uzbekistan, Andijan State Archives.

Key words: Hydroelectric station, hydraulic turbine, derivation, dam, supply, khashar, patriotism.

Мамажонов Алишер
кандидат исторических наук, доцент
доцент кафедры "Всемирная история" АндГУ

Алишеров Абдувоҳид Алишерович
преподователь АндГУ

ИСТОРИЯ СТРОИТЕЛЬСТВО ГИДРОЭЛЕКТРИЧЕСКИХ СТАНЦИЙ В УЗБЕКИСТАНЕ

Аннотация. В статье на основе научно-теоретических подходов к изучению строительства ГЭС рассмотрены некоторые аспекты участия андижанских рабочих в обеспечении рабочей силой и

необходимыми материалами для строительства “Фарходской ГЭС”, которая называется “массовым народным строительством”, непотребительская информация представлена на основе источников в фондах Андижанского областного управления Архива Управления делами Президента Республики Узбекистан, Андижанского государственного архива.

Ключевые слова: ГЭС, гидротурбина, деривация, плотина, снабжение, хашар, патриотизм.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V4I1Y2024N09>

Кириш. Гидроэлектр станция (ГЕС) инсоният тараққиётининг янги давр босқичи билан чамбарчас боғлиқ бўлган жараён ҳисобланиб, Ер юзидағи деярли барча одамлар маълум маънода электр энергиясидан унумли фойдаланиб келмоқда. Гидроэлектр станция сув оқимининг энергиясини гидравлик турбиналар ёрдамида электр энергиясига айлантириб берадиган гидротехника иншоотлари ва энергетика жиҳозлари мажмуудир.

Гидротехника иншоотлари тўғон ёнидаги, деривацион ва аралаш турларга бўлинади. Тўғон ёнидаги ГЕСларда тўғон ёрдамида сув сатҳи кўтарилиб, керакли босим ҳосил қилинади. ГЕС биноси 3 хил жойлаштирилади: 1) тўғон ёнида; 2) тўғондан четроқда; 3) тўғондан пастда, дарё ўзанида.

Тўғон ёнида ва дарё ўзанида қуриладиган ГЕСларда сув босимини тўғон ҳосил қиласди. Бундай ГЕСлар суви кўп бўлган, текис оқадиган тоғ дарёларига, сойликларнинг торайган жойига қурилади. Буларга Қайроқкум, Туямўйин ва Чордара ГЕСларини кўрсатиш мумкин.

Деривацияли ГЕСлар ўрта ва юқори босимли бўлиб, босим деривация канали ёрдамида ҳосил қилинади. Бундай ГЕСларга Чорвоқ, Фарҳод ва Бўзсув каналидаги ГЕСлар киради.

Аралаш ГЕСларда босим, асосан, дарёдаги гидротехника иншоотлари ва қисман деривация канали ёрдамида ҳосил қилинади. ГЕС иншоотлари мажмуига дарё ўзанини тўсиб босим ҳосил қиладиган бош иншоот (тўғон), ГЕС биносига сув етказиб берадиган канал, станция босим узели (СБУ) ёки босим сув қувури, сув сатҳини ва сарфини тартибга солиб турадиган, ортиқча сувни чиқариб ташлайдиган ва бошқа автоматик қурилмалардан иборат иншоотлар сув энергиясини бевосита электр энергияга айлантириб берадиган гидроагрегат (турбина билан генератор) ўрнатилган машина зали ва фойдаланиб бўлинган сувни чиқариб ташлайдиган иншоотлар киради. Махсус гидротехника иншоотлари билан ГЕС турбиналарига келтирилган сув турбинанинг иш фидирагини, унга ўрнатилган ўқни ва ўқ билан бириктирилган генераторни айлантириши натижасида электр энергия ҳосил бўлади.

Ҳозирги кунга келиб юртимизнинг мустамлака ва мустақиллик йилларидағи, айниқса, кейинги беш-олти йил ичидаги Президентимиз раҳбарлигига амалга оширилган ва эришилган ютуқларга назар солсак жуда катта ўзгаришлар бўлмоқда. Ўтган асрда мустабид совет тузуми шароитида сохта шиорлар остида амалга оширилган индустрлаштириш режалари ҳай-баракачилик йўли билан қилинган, уларнинг аянчли оқибатлари қандай натижада берганлигини гувоҳи бўлганлигимиз бу тузумни абадий эмаслигидан далолат берар эди.

Фарҳод гидроэлектр станцияси мамлакатимизнинг энг тарихий ва салоҳиятли иншоотлардан ҳисобланиб, унинг қурилиши 1943 йил 10 февралида бошланган ва

оммавий халқ ҳашари йўли билан қурилган. Ҳашарга Фарғона, Наманган, Самарқанд, Бухоро, Андижон ва Тошкент вилоятларидан 60 мингдан ортиқ киши жалб этилган.

ГЕС қурилишининг биринчи босқичида 3-ва 4-агрегатлар ва иккинчи босқичида 1-ва 2-агрегатлар ҳам ишга туширилган. 1951 йил 3 июль куни ГЕС тўлиқ эксплуатация учун қабул қилинган. Ушбу ГЕСнинг ишга туширилиши билан мамлакатимизнинг электр, кимё, металлургия, кўмир ва саноатнинг бошқа соҳаларини ривожлантиришга кенг имкониятлар яратилгани билан тизимдаги муҳим қадамлардан бири бўлган. Албатта, қарийб 70-75 йил давомида доимий эксплуатация қилиниши туфайли ГЕСдаги кўплаб ускуналар жисмоний ва маънавий эскирган эди.

Шу жиҳатларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 майдаги «2017-2021 йилларда гидроэнергетикани янада ривожлантириш чоратадбирлари дастури тўғрисида”ги қарорига асосан ушбу станцияда модернизация ва қайта техник жиҳозлаш ишлари олиб борилди.

Адабиётлар таҳлили ва методология. Ўзбекистонда гидроэлектр станцияларнинг қурилиши тарихини ўрганишда илмий-назарий ёндашувлар асосида мавзунинг ўрганилиши масаласи бўйича бир қатор муаллифларнинг илмий асарлари, рисола, қўлланма ва журнал мақолалари таҳлил қилиб ўрганилганда (Эгамбердиев Р., Раззоқов А. Ўзбекистонда қўриқ ерларни суғориш, ўзлаштириш ва мелиорация тарихи (Мирзачўл мисолида). -Т.:“Фан”. 1984. 285 б., Раззоқов А. Ўзбекистон пахтачилиги тарихи. (Ўтмиши ва ҳозир) -Т.: “Ўзбекистон”. 1994. 304 б., Валентин К.Л., Оролбаев Э.Э., Абылгазиев А.К. Водные проблемы Центральной Азии. -Бишкек. “Сотсинформбюро”. 2004. 142 стр., Бегматов И.А., Мухамедов А.К. Ўзбекистон ирригацияси тарихи. -Т.:“Тошкент ирригация ва мелиорация институти. 2008. 147 б., Шамсутдинов Р., Сиддиқ Т., Хомидов Д. Андижон вилояти иккинчи жаҳон уруши йилларида. // Водийнома. 2019. 2(13) — Б. 82-83., Сайдбобоева Г.Н, “Ўзбекистон миллий архиви ҳужжатларида гидроэлектр станцияларининг қурилишига доир маълумотлар (XX аср 20 йиллари охири-30 йиллар боши) // Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари.-№ 10(3)-2023.ISSN: 2181-1342 (Online)-Б.19-26.), биз ўрганаётган мавзу жуда қисқа баён этилган, шу билан бирга мустабид совет тузуми давридаги адабиётларда эса мавзуга ўша давр мафкураси ҳукмронлик қилган, мустақиллик даври адабиётларида мавзуга қисқача ёндашиб ўтилганлигига гувоҳ бўламиз, шуни ҳисобга олиб, Ўзбекистонда гидроэлектр станция қурилиши тарихини ўрганишда илмий-назарий ёндашувлар асосида Андижон меҳнаткашларининг “Оммавий халқ қурилиши” деб ном олган “Фарҳод ГЕС”и қурилиши тарихи, уни ишчи кучлари ва зарур материаллар билан таъминлашдаги иштироклари тўғрисидаги маълумотлар Андижон вилоят давлат архивининг 608-фонд, 1а-рўйхат, 163, 280, 314, 389, 408, 542, 577-ишлар йиғмажилларидаги айrim маълумотлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси архиви Андижон вилоят бўлимининг 106-фонд, 1-рўйхат, 326-иш, 2-варақ, 329-иш, 159-варақлардаги мавжуд манбалардаги маълумотлар тарихий аҳамиятга эга бўлиши билан бирга, республикамида гидроэнергетика иншоотларининг бунёд этилиши борасида амалга оширилган ишларни фактик материаллар орқали ўрганиш имконини беради.

Муҳокама. “Оммавий халқ қурилиши” иншооти номини олган “Фарҳод ГЕС”и қурилишининг муҳим аҳамияти биринчидан, юртимизда электр энергия таъминотини

йўлга қўйиш, иккинчидан мамлакат ирригация иншоотларини ривожлантиришдан иборат эди. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси ва қўшни Республика халқларини электр энергияга бўлган талабини қондиришга ҳамда Мирзачўл ҳудуди унинг бепоён ерларини оқин сув билан таъминлашга қаратилганлиги билан ажralиб туради эди. Иншоотнинг барпо этиш учун қулай ҳудуд Бекобод тумани ҳисобланиб, у ерда гидроэлектр станция бунёд этиш ва сувини Мирзачўл ҳудудларига оқизиш учун бу ердаги қулай имкониятнинг мавжудлиги эди.

“Оммавий халқ қурилиши” иншооти номини олган “Фарҳод ГЕС”и қурилишида бутун мамлакат меҳнаткашларининг иштироки жумладан, андижонлик юртдошларимизнинг фидокорона меҳнатлари эвазига муддатидан аввал қурилиб, 1948 йилда фойдаланишга топширилди.

Натижалар. Бугун Янги Ўзбекистон тараққиётининг ўзига хос босқичида давлатимиз раҳбарининг – “Биз ўз олдимизга жамиятимизнинг янги қиёфасини яратиш, Янги Ўзбекистонни барпо этиш масаласини стратегик вазифа сифатида қўйдик.” [1; 44-б.] — деган ташабbusлари билан мисли кўрилмаган жиддий ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Халқимизга муносиб ҳаёт ва турмуш шароитини яратишнинг ягона йўли илм-фаннынг ривожлантириш, тарихни очилмаган қирраларини кашф этиш ўрганиш шу куннинг долзарб муаммоларидан эканлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Шуни ҳисобга олган ҳолда мақолада «1942 йил ноябрда Совет ҳукумати Ўзбекистонда 5 та гидроэлектр станция (1-, 2- Оққовоқ, Салор, Қуий Бўзсув, “Фарҳод ГЕС”и) қуриш ҳақидаги қарорнинг қабул қилинганлиги» [3; 408-б.], натижасида “Фарҳод ГЕС”и қурилиши бошланган. ГЕС қурилиши “оммавий халқ қурилиши” йўли билан бажарилиб, республиканинг барча ҳудудларидан иштирокчилар қатнашганлиги алоҳида аҳамият касб этади.

ВКП(б) Марказий Комитети Ўзбекистондаги ирригация қурилиш ишларига юқори баҳо бериб, 1939 йил 27 декабрда “Пахтачиликни ривожлан-тириш тўғрисида”ги Қарор қабул қилинди. Қарорга кўра 6 йил ичида ғўза экинлар майдонини 430 минг гектарга етказиш кўзда тутилди. Шуни ҳисобга олиб 1941-1943 йиллар давомида Шимолий Тошкент канали қурилди. У 15 минг гектар ерни суғоришга имкон беришини ҳисобга олиб, “Фарҳод ГЕС”и қурила бошланди [2; 103-б.].

“Республика партия ташкилотлари ВКП(б) Марказий Комитети ва СССР Халқ Комиссарлари Советининг юртимизда янги саноат қурилиши тўғрисидаги қарорини амалга ошира бориб, 1943 йилда Бўзсув дарёсида тўртта гидроэлектр станция ва Ўрта Осиёда энг йирик катталиги жиҳатдан мамлакатда учинчи ўринда турадиган “Фарҳод ГЕС”и қурилиши учун қатор вазифалар белгиланди [4; 191-б.], ана шуларга асосланиб, шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларини “Фарҳод ГЕС”и қурилишига ва бошқа янгидан-янги қурилиш иншоотларига сафарбарлик қилиш ва таъминлаш ишларини амалга ошириш бошланиб” кетди [9; 384-б.].

Ўзбек халқи жумладан, андижонликлар қурилишнинг энг муҳим обьектларидан бири Сирдарёда бетон қувишдаги фидокорона меҳнатлари билан “оммавий халқ қурилиши” деб ном олган “Фарҳод ГЕС”и қурилишидаги иштироки ва уни таъминлашдаги ҳиссасини кўришимиз мумкин. Андижон вилояти давлат архивининг 608-фонд, 1а-рўйхат, 163,280,314,389,408,542,577-ишларнинг йиғмажилдларида юртдошларимизнинг қурилиш ишларида қандай ишлар билан машғул

бўлганликларини уларнинг ҳозирда архив фондларида сақланиб келаётган ўз қўллари билан ёзган шахсий маълумотлари, таржимайи ҳоллари орқали кўришга гувоҳ бўламиз [11; 1-3-б.].

“Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг VIII Пленумида “Фарҳод ГЕС”и қурилишининг 1943 йил кузги режа топшириқларини бажаришга ёрдам кўрсатиш тадбирлари тўғрисидаги масала муҳокама қилиниб, қурилиш суръатларини тез амалга ошириш масаласини қўйиб, барча партия ташкилотларига гидроэлектр станция қурилишига ҳар томонлама ёрдам бериш, уни ишчи кучлари ва зарур материаллар билан таъминлаш топшириғини қўйди” [7; 467-б.].

Мақолада республика иқтисоди ва саноати ривожида электр энергиянинг аҳамиятини чуқур анлаган ва юз минглаб меҳнаткашлар қатори электрлаштириш умумхалқ ҳашари деб билиб, бу улкан қурилишда андижонлик меҳнаткашларнинг иштироки, уни таъминлашлари ҳақида озми-кўпми тасаввурга эга бўласиз.

“Фарҳод ГЕС”и қурилиши масаласи бўйича Ўзбекистон КП(б) Андижон вилояти партия комитети котиби Л.Бакунинга Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитети кадрлар бўлими мудири ўринбосари А.Михайлиннинг 1943 йил 10 февралда юборган 741-сонли хати билан танишар эканмиз, бу улкан қурилиш ишида андижонлик меҳнаткашларнинг қай даражада иштирок этганлигига гувоҳ бўламиз, унда ёзилишича “Шу ҳақдаким Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитети, Сиздан “Фарҳод ГЕС”и қурилиши бўйича қўшимча вазифалардан келиб чиқиб, кўрсатилган тақсимот бўйича ажратилган автокадрларни белгиланган муддатларда сафарбар қилишни амалга ошириш лозимлиги кўрсатиб ўтилади” [11; 2-б.].

Ўзбек халқи жумладан андижонликлар барча қийинчиликларга қарамасдан “ўз даврининг энг йирик қурилишлардан бири бўлган “Фарҳод ГЕС”и қурувчиларига кўплаб асбоб-усқуналар етказиб бериш каби шарафли вазифаларни сидқидилдан бажардилар” [6; 334-б.], гидроэлектр станциялар қурилиши масаласида “Оммавий халқ қурилиши” деб ном олган “Фарҳод ГЕС”и қурилишини таъминлаш учун ўз ҳиссаларини қўшганлар.

Тарихдан маълумки хонликлар давридан авлодларимиз “суғориш каналларини қазиша мөнгаткаш халқ оммасининг кучидан фойдаланар эди, барча ариқлар анъанавий “халқ ҳашари” билан барпо қилинган. Умуман, Шарқда суғориш ишлари “савобли иш” деб ҳисобланган, шунинг учун ҳам бу ишга халқни сафарбар қилиш анча осон кечган” [4; 25-б.]. Совет ҳукумати ҳам ана шу анъанага тўлиқ амал қилган ҳолда республикамизда қатор савобли ишларни амалга оширган.

“Фарҳод ГЕС”и қурилишини таъминлашга республиканинг ўзидан 8 минг куб метрдан кўпроқ ёғоч ва бошқа бинокорлик материаллари, 800 тонна металл, 110 мингдан ортиқ ҳар хил асбоб-ускуна, транспорт воситалари ишга солинди. Бундан ташқари, республикамиз мөнгаткашлари бу умумхалқ қурилишига 300 вагондан кўпроқ ҳар хил қурилиш материаллари юбордилар” [7; 467-б.].

Андижон вилояти бўйича белгиланган тартибда туман партия комитети котиблари ва туман ижроия қўмиталари раислари “Фарҳод ГЕС”и қурилишини таъминлаш мақсадида у ерга одамларни жўнатиш, уларни қатъий текширувдан ўтказиб, мөнгатга лойиқ инсонлар сафарбар қилиниб, уларнинг яшаш шароитлари ва уларга коммунал хизмат кўрсатиш ишларига алоҳида эътибор қаратилди.

“ЎЗКП(б) МК Андижон вилоят партия комитети пропаганда бўлимининг 1943 йил 24 сентябрдаги Андижон шаҳрида ўтказилган очиқ партия йиғилишида меҳнаткашлар, ташкилот ва муассасаларнинг бошланғич партия ташкилоти котибларини “Фарҳод ГЕС”и қурилишига алоқадорлиги масалаларига эътибор қаратилди. Унда асосий эътибор 1943 йил 25 сентябрдан “Фарҳод ГЕС”и қурилишига ташкилот ва муассасалар томонидан юборилган 8750 нафар ишлаётганлар учун 475 нафар агитаторлар “Фарҳод ГЕС”и қурилишига сафарбарлик ташаббуси билан чиқдилар. Бунга жавобан вилоятнинг барча ташкилот ва муассасалари “Фарҳод ГЕС”и қурилиши таъминоти учун ишлаб чиқариш маҳсулотлари режаларини муддатидан аввал бажаришни ўз зиммаларига олдилар. Жумладан,

- Сталин номли завод жамоаси ойлик режани 29 октябрга қадар бажариш, яроқсиз маҳсулотга қарши курашиб, хом ашёни тежаб-тергаш ҳисобига 100 минг рубль иқтисод қилишларини;

- Гўшт комбинати жамоаси “Фарҳод ГЕС”и қурилишига амалий ёрдам бериш учун 15 дона лопатка, 5 дона кетмон, 50 дона қошиқ ва вилка жўнатиш ва гўшт ишлаб чиқаришни халқаро стандарт даражасига чиқаришни таъминлаш;

- Консерва заводи жамоаси октябрь ойи ишлаб чиқариш режасини 115 фоизга бажариш, ҳамда “Фарҳод ГЕС”и қурилишини таъминлаш учун 10 дона болға, 15 дона темир кесиши асбоби (зубило), 15 дона бақир, 200 дона чашка, 115 дона кружка ва 30 килограмм мих жўнатиш;

- Володарский номли Андижон тикувчилик фабрикаси ишчи-хизматчилари ишлаб чиқаришнинг кундалик нормасини 2 фоиздан кам қиласлика, 2500 метр хомашёни тежаб-тергаш каби мажбуриятларини олиб қурилиш ишини таъминлашда фаол иштирок этишга аҳд қилишди” [10; 159-б.].

“Андижон вилоят ижроия қўмитаси ва вилоят партия комитети ЎзССР ХКС ва ЎзКП(б) МКнинг 1943 йил 28 ноябрда қабул қилган қарор ижроси бўйича қўшимча қарор қабул қилиниб, унга кўра, “Фарҳод ГЕС”и қурилишида меҳнат қилаётганлар сафига қўшимча равишда 6000 нафар колхозчи юбориш. Колхозчиларни “Фарҳод ГЕС”и қурилишига олиб бориш бўйича тайёрлов ишларини ўтказиш туман ижроия қўмитаси раислари ва ЎзКП(б) туман комитети котиблари зиммасига юклатилди [8; 82-83-б.].

Гидроэлектр станция қурилиши тарихини ўрганишда илмий-назарий ёндашувлар асосида “Оммавий халқ қурилиши” иншооти таъминотини таъминлашга сафарбарлик мавзусидаги мақола бўйича мустабид совет даври манбалари, мустақиллик даври манбалари эришилган натижалар таҳлилий ва таққосий назар солинадиган бўлса, мустабид совет тузуми даври манбалари ўша давр мафкураси билан тўла суғорилганлиги, мустақиллик даври манбаларида ҳали бу давр бўйича етарли маълумотлар истеъмолга кирмаганлиги бу давр бўйича архивларда сақланаётган материаллардан тадқиқотчилар унумли фойдаланса бу мавзу қизиқувчиларига етарли материаллар берса бўлади.

Мақолада Ўзбекистон Республикаси Андижон вилоят давлат архиви, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси архиви Андижон вилоят бўлими йиғмажилларида мавжуд бўлган материалларнинг айримларини сизни ҳукмингизга ҳавола қилмоқдамиз.

Хулоса. Юқоридагилардан кўриниб турибдики мустақиллик етук миллий онг, миллий бирдамлик туйғуси заминида ватанпарварликни шаклланиб боришини “Фарҳод ГЕС”и қурилиши мисолида кўришимиз мумкин. Авлодлар кетидан авлодлар келади, аммо оталар заминини жонидан азиз деб билган аждодларимиз ҳеч қачон яқин ё узоқдаги халқларнинг тақдирига бефарқ қарамадилар.

Она замин учун мардонавор курашиш анъанаси, эркесварлик ва мустақилликка интилиш, ватанпарварлик, ҳар қандай разолат, зўравонликка қарши муросасизлик каби асл умуминсоний маънавий қадриятлар – буларнинг барчаси андижонликлар қалбидан чуқур ўрин олган ҳамда кўп йиллик тарихимиз давомида аждодлардан – аждодларга мерос бўлиб ўтиб келмоқда.

Адабиётлар/Литература/References:

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. –Тошкент: “O’zbekiston”, 2021. – 464 б.
2. Бегматов И.А., Мухамедов А.Қ, Ўзбекистон ирригацияси тарихи. –Тошкент: “Тошкент ирригация ва мелиорация институти”, 2008. –147 б.
3. Березняк Н.Г. Жасоратнома. –Тошкент: “Ўзбек Совет Энциклопедияси Бош таҳририяти”, 1990. –416 б.
4. Жалилов С. Худоёрхон. –Тошкент: “Мумтоз сўз”, 2014. –60 б.
5. Рассақов А. Ўзбекистон пахтачилиги тарихи (Ўтмиш ва ҳозир). –Тошкент: “Ўзбекистон”, 1994. –304 б.
6. Турсунов С., Қобулов Э. Сурхондарё тарихи. –Тошкент: “Шарқ”, 2004. –608 б.
7. Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ўзбекистон тарихидан материаллар (учинчи китоб). – Андижон: “Andijon nashriyot manba”, 2004. –651 б.
8. Шамсутдинов Р., Сиддиқ Т., Хомидов Д. Андижон вилояти иккинчи жаҳон уруши йилларида. // Водийнома. 2019. 2(13) - Б. 82 - 83.
9. Ўзбекистон Коммунистик партияси тарихининг очерклари. –Тошкент: “Ўзбекистон”, 1964. –604 б.
10. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси архиви Андижон вилоят бўлими, 106-фонд, 1-рўйхат, 326-иш, 329-ишларнинг йиғма-жиллари.
11. Андижон вилояти давлат архиви, 608-фонд, 1а- рўйхат, 163, 280, 314, 389, 408, 542, 577-ишларнинг йиғмажиллари.

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

Nº 1 (4) – 2024

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари” электрон
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-
сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.**

**Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”
масьулияти чекланган жамияти**

Таҳририят манзили:
100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-
уй. Электрон манзил:
scienceproblems.uz@gmail.com
Боғланиш учун телефонлар:
(99) 602-09-84 (telegram).